

---

## Қувада алимент ўрнига уй бериш урфга кирмоқда

Мажбурий ижро бюросининг Қува тумани бўлими иш юритувида ФИБ Фарғона туманларабо судининг қарорига кўра, қарздор З.Рўзматовдан ундирувчи М.Ботирова фойдасига бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун 1/4 қисм миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Кечаки, 14 январь куни қарздор ва ундирувчининг ўзаро келишувига асосан З.Рўзматов вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун уни 18 ёшга тўлгунига қадар тўлаши лозим бўлган 86.800.000 сўм алимент маблағлари ўрнига ўз номида бўлган хонадонни собиқ турмуш ўртоғи М.Ботирова номига нотариус орқали расмийлаштириб топшириди.

Яна бир мисол, Бюронинг Қува тумани бўлими иш юритувида ФИБ Фарғона туманларабо судининг қарорига кўра, қарздор О.Ашуродан ундирувчи Д.Ашурова фойдасига икки нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун 1/3 қисм миқдорда алимент ундириш белгиланган. 13 январда ўзаро келишувга асосан О.Ашуродан 2 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун уларни 18 ёшга тўлгунига қадар тўлаши лозим бўлган 88.000.000 сўм алимент маблағлари ўрнига ўз номидаги хонадонни нотариус орқали расмийлаштириб берди.

Шу бир хафта ичидаги Қува туманида 3 та ҳолатда қарздорлар ундирувчилар фойдасига алимент ўрнига уй-жой тақдим этишди.

2022-01-18 11:39:22